ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИКНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ МАЗМУНИ

Сардорбек Ўрозбой Табиб ўғли Шарифзода
Ургенч давлат университети катта ўқитувчиси
rozimova981@mail.ru

АННОТАТЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш мазмуни баён қилинган. Якуний қисмда муаллифнинг шахсий нуқтаи назари келтирилган.

Калит сўзлар: компетенция, фаолият,ижтимоий компетентлилик,мотив

CONTENT OF SOCIAL COMPETENCE ON THE BASIS OF FORMATION OF BASIC COMPETENCES IN STUDENTS

ABSTRACT

This article describes the content of the search for the content of social competence based on the formation of basic competencies in students. In the concluding part, the author's personal point of view is given.

Keywords: competence, activity, social competence, motivation.

КИРИШ

Шахснинг интегратив фаолияти махсули сифатида ижтимоий компетентлилик ўзининг муйян мазмуни ва таркибий тузилишига эга. Биз қуйида ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмлари устида тўхталишга ҳаракат қиламиз. Ижтимоий компетентлилик қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Мотивли-эмоционал компонент. Бунда ўқувчиларда атрофдагиларга нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш тажрибаси ҳосил қилинади: раҳмдиллик, эътиборлилик, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам ва меҳрибонлик сифатлари шакллантирилади.

- Когнитив компонент доирасида ўқувчиларда атрофдагиларни билишга йўналтирилган фаолиятни шакллантириш назарда тутилиб, бунда ҳар бир шахснинг ўзига хослиги, қизиқишлари, эҳтиёжлари, кайфиятидаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

ўзгаришларни сезиш, ҳиссий ҳолатини билиш тажрибаси ҳосил қилинади.

- Хулқ-атворга асосланган компонент доирасида ўқувчиларда ўзаро мувофиқ келадиган вазиятларни танлаш, ўзаро мулоқотга киришиш, хулқ-атворнинг ахлоқий жиҳатдан аҳамиятли бўлган кўринишларини эгаллаш лаёқатлари шакллантирилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий, коммуникатив компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликнинг мазкур компонентлари таркиб топтирилади. Ушбу компонентлар нафақат мотивли-эмоционал компонентга тааллуқли, балки бошқа компонентларда ҳам ўз ифодасини топади. Иккинчи компонентнинг таркибига нафақат бошқаларнинг билимлари, ҳолати, балки ўзининг билимлари ҳам акс этади. Ҳамкорлик жараёнида ўқувчи ўз ҳолати, хусусиятлари, лаёқатларини идрок этган ҳолда ҳаракатланади. Ўз ҳаракатларини шеригининг кўзи билан қараган ҳолда идрок этади. Ҳар қандай нуқтаи назарнинг кучли ва кучсиз томонини кўра олади. Худди мана шундай муносабат доирасидагина ўқувчи ўз атрофидаги воқеликни аниқ баҳолаш имконига эга бўлади.

В.Г.Первутинский нинг нуқтаи назарига кўра, ижтимоий компетентлилик қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий интеллект – ижтимоий вазиятларни тушуниш ва мазкур вазиятларга мослашувчанлик билан ёндашиш;
- маънавий етуклик – қадриятли йўналишлар, дунёқараш ва мотивлар;
- ижтимоий-касбий етуклик – перцептив, эмпатив, коммуникатив, рефлексив, ўз-ўзини намоён этиш, кўникмалар;
- башорат қилиш, мақсадга интилиш;
- ахборот технологиялари ва хорижий тилни билиш, ижтимоий-ахлоқий етуклик, масъулиятлилик, мақсадга интилувчанлик, қатъиятлилик, ўзига ишониш, ташкилотчилик, талабчанлик[3].

Ушбу таркиб ҳам бизнингча, ижтимоий компетентлиликни тўлиқ ифодаламайди. Ижтимоий-касбий компетентлилик ўзида фақатгина меҳнат ва касбий кўникмаларни мужассамлаштирса, ижтимоий-ахлоқий етуклик, лидерлик сифатларини ифодалайди.

Н.В.Калинина[1]нинг таъбирича, ижтимоий компетентлилик иккита таркибий қисмни ўзида мужассамлаштиради. Когнитив хулқ-атворга асосланган шакллантирувчи компонент муайян таркибий қисмлардан иборат:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

ижтимоий интеллект, ижтимоий кўникмалар, ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятни бажариш имконини берадиган махсулдор усуллар, мураккаб ҳаётий вазиятларда самарали муносабат ўрнатиш кўникмалари ҳамда конструктив хулқ-атвор кўникмалари. Мотивли-шахсий шакллантирувчи компонент жамиятда ўзини намоён қилиш ҳамда унга хос шахсий сифатларни ифодалайди.

Кўриниб турибдики, ушбу таркибий қисмларни мужассамлаштирган ҳолда мотивли ҳамда шахсий компонентларни белгилаш мумкин.

Ўз навбатида М.И.Лукьянова[2] ҳам ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмларини аниқлашга ҳаракат қилган:

- мотивли-қадриятли компонент ижтимоий фаолият мотивлари, шаклланган мотивация, ютуқларга эришишга интилиш, ижтимоий муносабатларнинг қонун-қоидаларини ўзлаштириш, ахлоқий меъёрларга позитив муносабатда бўлиш, жамоа тартибига риоя қилишни ўз ичига олади;

- жараёнли мазмунли компонент ўз ичига ўзи ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш имконини берадиган билимлар, кўникмалар, малакалар, ўзаро муносабатлар натижасини башорат қилиш, мулоқот орқали атрофдагиларга таъсир кўрсатиш, ўз олдига мақсад қўйиш ва уни амалга ошириш учун интилиш кўникмаларини қамраб олади;

- ҳиссий-иродавий компонент ўз ичига ечимларни танлаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш лаёқатига эга бўлиш, ўз зиммасига масъулият олишга тайёрлик, ўзига ишонч ва қатъиятли бўлиш каби сифатларни бирлаштиради[2;126-б.].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Биз юқорида кўрсатиб ўтган компонентлар шахснинг ижтимоий компетентлилигини имкон қадар тўлиқ ифодалашга хизмат қилади. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги таркибий қисмларга бирлаштириш мумкин: мотивли, когнитив, фаолиятли ва рефлексив.

Рефлекция инсоннинг ўз-ўзини тушуниши ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатини англаган ҳолда баҳолашини ифодалайди. Ижтимоий компетентли шахс чуқур мушоҳада қилган ҳолда ўзгаларнинг ҳис-туйғуларини англайди. Мулоқот ва ижтимоий муносабатлар жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари ва атрофдагиларни англашлари ва муносиб баҳолай олишлари учун ижтимоий компетентлиликнинг бошқа компонентлари билан бир қаторда рефлекция муҳим аҳамиятга эга.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

Ўқув-тарбия жараёнида ижтимоий компетентлиликнинг юқорида кўрсатиб ўтилган таркибий қисмларини мазмун жиҳатдан бойитиб таянч компетенциялар таркибида ўқувчиларга тақдим этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таянч компетенциялар ёрдамида ўқувчиларда шакллантириладиган ижтимоий компетентлилик мазмун жиҳатидан мунтазам такомиллашади. Таянч компетенцияларни мазмун жиҳатидан бойитиш асосида ижтимоий компетентлиликнинг таркиби ҳам такомиллашади. Жамият ҳаётидаги илмий, технологик, ижтимоий-маънавий тараққиёт таянч компетенцияларнинг мазмун жиҳатидан бойишига асос бўлади. Бу эса ўз навбатида мазкур компетенцияларни интгерациялаш натижасида ҳосил бўладиган ижтимоий компетентлиликнинг ҳам мазмун жиҳатидан такомиллашувига асос яратади.

Ижтимоий компетентлиликнинг асосини 2 та катта гуруҳга мансуб бўлган компетенциялар ташкил этади. Биринчи гуруҳга мансуб компетенциялар шахснинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини мужассамлаштиради. Мазкур гуруҳга қуйидаги элементларни киритиш мумкин: коммуникатив кўникмалар, гуруҳда ишлаш лаёқати, зиддиятлар ва муаммоларни еча олиш лаёқати. Иккинчи гуруҳ эса эмпатия, ролли мослашувчанлик, масъулиятлилик кабиларни ўз ичига олади.

Коммуникатив кўникмалар шахслараро муносабатларга асос бўлади. Мулоқот ўқувчилар ҳаётида алоҳида аҳамият касб этиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Мулоқот жараёнида ҳар икки иштирокчи ҳам фаол мавқега эга бўлади. Уларнинг биргаликдаги фаолияти маҳсули сифатида ўзаро ахборот алмашиш жараёни кечади. Коммуникатив жараённинг ҳар бир субъекти ўз мулоқотдошига нисбатан фаоллик кўрсатади. У ўз сухбатдошига ахборотларни тақдим этар экан, қизиқишлари, мотивлари, эҳтиёжларини ҳисобга олади.

Ҳар бир шахс учун мулоқот жараёнидаги ахборотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу жараёнда суҳбатдошлар умумий фикр доирасида мулоҳаза юритадилар. Шу аснода улар ахборотларни шунчаки қабул қилмайдилар, балки ушбу ахборотлар устида ўйлайдилар, фикр юритадилар. Ўзаро ахборот алмашиниш мулоқотдошларнинг хулқ-атворига ҳам таъсир кўрсатади.

Коммуникатив кўникмалар доирасида шахсларнинг муваффақиятли муносабат ўрнатишлари учун зарур бўладиган кўникмалар назарда тутилади. Бунда асосий эътибор шахслараро муносабатлар жараёнида назокат билан муомалада бўлиш, ўзини тутиш, сухбатдошига ҳурмат кўрсатиш назарда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

тутилади. Ушбу жараёнда нафақат коммуникатив кўникмалар, хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш, балки когнитив фаолият ҳам амалга оширилади.

Мулоқот жараёнида шахслараро муносабатлар доирасида биргаликдаги фаолиятга киришилади. Мулоқот қоидалари ўзида ижтимоий ахлоқ, фаол тарзда мусобақалашиш, ўз-ўзини намоён этиш қоидаларига амал қилишни қамраб олади.

Ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисми сифатида коммуникатив кўникмалар бошқаларни тушуниш ва уни тушунишларига имконият яратишдан иборат шахсий лаёқат сифатида намоён бўлади. Ўқувчилар мулоқотнинг турли усулларини ўзлаштиришлари ва вазият билан боғлиқ ҳолда уни қўллашлари учун таълим жараёнида қулай шароит яратилиши керак. Шу асосда ўқувчиларни шахслараро муносабатга тайёрлаш амалга оширилади.

Ижтимоий компетентлиликнинг шахс фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган таркибий қисмлари ўзаро мувофиқ келадиган вазиятларни танлаш, хулқ-атвор кўринишларини ўзлаштириш, коммуникатив ҳамда интегратив кўникмаларни мужассамлаштиради.

Ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантиришда ўзаро мантиқий жиҳатдан алоқадор бўлган уч ҳолатни назарда тутиш керак: исталган, мумкин бўлган ва бажарилиши шарт деб топилган ҳолатлар.

Биринчи ҳолат шахснинг ўзаро биргаликдаги фаолият жараёнида муайян ҳаракатларни бажариш истагини ифодалайди. Иккинчи ҳолат эса мавжуд вазият ва шахсий имкониятларини баҳолаш, хулқ-атворнинг йўл қўйилган ҳолатларини таҳлил қилиш ва унинг оқибатларини башоратлашда намоён бўлади.

Учинчи ҳолат эса ўзаро биргаликдаги ҳаракатлар ҳақидаги билимлар, унинг меъёрлари, қонун-қоидалари ва усулларини билиш орқали ифодаланади. Ўқувчилар ушбу жараёнда биргаликдаги ҳаракатларга шахсий ва ижтимоий таъсир кўрсатиш лаёқатини ҳам эгаллайдилар. Ўқувчиларда таянч компетенциялар ёрдамида ижтимоий компетенцияни шакллантиришда ушбу ҳолатларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ижтимоий компетентлиликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири зиддиятларни бартараф этиш лаёқатидир. Бу шахсдан турли вазиятларда вужудга келадиган зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш кўникмасига эга бўлишни талаб этади:

- ҳақиқатни билиш ва тушунтира олиш;
- шахслараро муносабат жараёнида қабул қилинган меъёрлар ёрдамида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

ўзи ва гуруҳдошларининг хатти-ҳаракатларини баҳолай олиш;
- бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда касб танлаш;
- ҳаётий талаблар асосида ўз мавқеини аниқлаш ва турмуш тарзини белгилаш кабилар.

Бу ўринда вазиятларни баҳолаш усулларини эгаллаш, ҳаракатларни лойиҳалаш, муносабат кўламини кенгайтириш, турли қарорлар қабул қилиш ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисми сифатида вужудга келган зиддиятлар ва муаммоларни бартараф этиш кўникмасига эга бўлиш ўқувчиларни келажакда микросоциумда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашади. Ўқувчилар фаолиятида ҳар доим намоён бўлмайдиган бироқ уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали сезиладиган ижтимоий компетентлиликнинг муҳим таркибий қисмлари эмпатия, турли ролларни бажаришга мослашувчанлик, масъулиятлилик ҳам ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмлари сифатида инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда шакллантириладиган ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисми бўлган хулқ-атвор меъёрлари ҳамда ижтимоий фаоллик кўрсаткичлари ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муносабатга киришиш имконини беради. Бу эса ўқувчиларни янги шароитларда ҳаракатланиш, ҳаракат усулларини ўзгартириш, хулқ-атвор меъёрларига амал қилиш ва фаолиятнинг янги турларини эгаллашга ўргатишга кўмаклашади.

Когнитив компонентнинг таркибий қисми сифатида билимлар, ишчан ва шахсий муносабат ўрнатишнинг ўзига хос усулларини эгаллаш ҳам ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шахслараро муносабатга киришиш жараёнида хулқ-атворнинг ўзига хос жиҳатлари, биргаликдаги ҳаракатлар, гуруҳли фаолиятнинг ривожланиши, роллар, нуқтаи назарларнинг ўзига хослиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий компетентлиликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири масъулиятлиликдир. Масъулиятлилик ўқувчининг эмоционал, ахлоқий ва дунёқарашга оид сифатлари билан бевосита боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

Ижтимоий компетентлиликнинг мотивация билан боғлиқ қисми ўз ичига шахслараро муносабатлар, мулоқот, воқеликка нисбатан позитив ёндашув, ижтимоий ҳамкорлик, хулқ-атвор меъёрларининг ўзгариши, инсон хулқ-атвори

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

ва фаолияти билан боғлиқ воқеаларга эътибор қаратиш, ижтимоий фаолият мотивлари, мотивациянинг шаклланиши кабиларни ўз ичига олади[5, 6].

Мотивацион компонентнинг таркибий қисмлари сифатида ўз эҳтиёжлари, истаклари, қизиқишлари ва бошқаларга нисбатан муносабатини олий қадрият сифатида тушуниш, раҳмдиллик, эътиборлилик, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам ва раҳмдилликни киритиш мумкин.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида ўқувчиларда таянч компетенциялар ёрдамида шакллантириладиган ижтимоий компетентлиликнинг ривожланиш динамикасини аниқлаш учун ташхислаш методикаларидан самарали фойдаланиш керак. Шу билан бир қаторда ўқувчиларга интегратив ёндашув асосида таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнида уларни ижтимоийлаштиришга хизмат қиладиган муайян дидактик воситалар, усул ва методлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Изланишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари ва шарт-шароитларини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган муаммолардандир. Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликни таркиб топтиришнинг педагогик шарт-шароитлари, механизмлари, воситаларини аниқлаш ушбу мақсадга йўналтирилган педагогик жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Таянч компетенциялар ёрдамида ўқувчиларда шакллантириладиган ижтимоий компетентлилик мазмун жиҳатидан мунтазам такомиллашади. Таянч компетенцияларни мазмун жиҳатидан бойитиш асосида ижтимоий компетентлиликнинг таркиби ҳам такомиллашади.

Изланишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари ва шарт-шароитларини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

REFERENCES

1. Калинина Н.В. Развитие социальной компетентности школьников в образовательной среде: психолого-педагогическое сопровождение / Н.В. Калинина. – Ульяновск: УИПК ПРО, 2014. – 228 с.
2. Лукьянова М.И. Психологические аспекты развития социальной компетентности школьников. - Ульяновск, 2003. - 207 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1351-1358

3. Первутинский В.Г. Развитие социальной компетентности студента в условиях профессиональной подготовки / В.Г. Первутинский.- Санкт-Петербург, 2002. – 320 с. 58.
4. Sharifzoda S. The use of an integrative approach in the formation of basic competencies in students as a socio-didactic necessity // Journal of critical reviews ISSN- 2394-5125 vol 7, issue 12, 2020 3115.
5. Egambergan Khudoynazarov, Jumanazar Yarmetov //Application of problem-based teaching methods in the development of mathematical thinking skills of students. Psychology and education (2021) 58(1): p. 4537-4541